

Ушбу сонда:

2 ШАРТНОМАНИНГ АНТИҚА УСУЛИ ёки хўжалик ҳисобидан хотамтойлик

3 Тахририятга хат ТАНАСИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

4 ГУЛНИНГ МУАТТАРИ хонанда Ҳабиба Охуновани эслаб



# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 23 феврал, чоршанба №29 (861)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ХУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Самарқанд давлат чет тиллар институтида «Диний ақидапарастлик ва унинг салбий оқибатлари, ёшларни ватанпарварлик ҳамда эркин фикр руҳида тарбиялаш» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда халқроқ экстремизм, ақидапарастлик, ваҳобийлик, «Хизбут тахрир», «Мусулмон биродарлари» каби оқимларнинг иддоси муқаддас Ислому динига мулкдош ёт эканлиги, улар ўзларининг фарзали манфаати йўлида қон тўкиб, аҳоли бошига кулфат, азоб-уқубат келтиришга бориб етаётгани таъкидланди. Сиёсий онги ҳали етарли шакланмаган айрим ёшларнинг улар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, жамиятда соғлом фикрли йигит-қизларни тарбиялаш борасида оила, маҳалла, мактаб ва барча жамоат ташкилотлари билан биргаликда иш олиб бориш зарурлигига эътибор қаратилди.

# СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

22 феврал кун Гулистонда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирлик, идора ва ташкилотлари, банклар раҳбарлари, вилоят бошқармалари бошлиқлари, туман ҳокимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё ахли олдида турган бирламчи вазибаларга тўхталар экан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ечимини кўтаётган муаммолар вилоят тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётганини қайд этди. Булар асосан ерларнинг ачинарли мелиоратив ҳолати, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тарихини ўзгартириш зарурати, соҳанинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, замонавий технологияларни қўллаш, қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ.

нес корхоналарига етарли даражада ёрдам кўрсатилмапти.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги кунда барчамизнинг олдимизда турган асосий вазифа - одамларимизнинг гурурини уйғотиш, ягона Ватанимиз бўлмиш Ўзбекистонимиз учун ифтихор туйғусини тарбиялаш, бир ёқадан

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Х.Исроиловни Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Алишер Хўжамович Исроиллов Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 22 феврал

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ў.Қ.Исмоиловни Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўқтам Қўнқорович Исмоилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 22 феврал



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли юрдошлар! Хурматли депутатлар! Энг аввало, сиз, Сирдарё вилояти депутатлари, фаоллари билан дийдор кўришиб турганимдан хурсанд бўлганимни, барчангизга - сиз орқали бутун Сирдарё ахлига ўз хурматимни ихдор этмоқчиман.

Маълумки, яқинда мамлакатимиз Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Шу жумладан Сирдарёда ҳам халқ депутатлари вилоят кенгашининг янги таркиби шаклланди. Мен бу кенгашнинг янги таркиби билан танишар эканман, аввало, эътиборли бир жихат диққатимни ўзига тортганини айтишим керак.

Яъни, Сирдарё ахли, Сирдарё халқи ишон билдириб сайлаган депутатлар орасида турли миллат вакиллари, ҳар хил касб эгалари бўлиб, уларнинг аксарияти кўпни кўрган, ҳаёт тажрибасига эга, билимли, энг муҳими, халқ ичидан чиққан инсонлар экани мени шахсан мамнун этди.

Булар қаторида аввало Сирдарё вилояти ривожига, тараққиётига жуда катта салбий таъсир етказган, барча камчиликларнинг негизиди, томирини да ётган, йиллар давомида ўз ечимини топмаётган муаммолар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги масалалар эканини ҳаммамиз тани олган эдик.

Улар нималардан иборат? Яна эслатиб ўтмоқчиман: - вилоятдаги ерларнинг ачинарли мелиоратив ҳолати; - вилоятда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тарихини ўзгартириш зарурлиги;

Азиз дўстлар! Қани, келинглр, мана шу масала атрофида - вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожини мисолида батафсил фикр алмашиб олайлик.

Бунинг учун яширмасдан, сир қилмасдан айтишимиз мумкин, барчамиз тани олишимиз керак: Сирдарё воҳасида қишлоқ хўжалигининг умумий аҳоли кўп йиллар давомида ҳамон мурраккабига қолмоқда.

Утган йили вилоят бўйича 141 миң 300 гектар майдонда 14 миң 800 гектар майдонда ерга галла экилган эди. Пахта ҳосилдорлиги вилоят бўйича гектарыга 18,8 центнерни, галла ҳосилдорлиги эса 21,1 центнерни ташкил этди.

Лекин, бу муаммоларни ечиш билан бирга, вилоятда авваломилда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш масалалари қўйилди. Аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотлар олиб боришда ҳеч чидаб бўлмайдиган қўпгина ҳоллар:

расмиятчилик, қўбўямачилик, раҳбарларнинг маъсулиятсизлиги, лоқайдлиги, билими етишмаслиги ҳақида гап борган эдик.

Қишлоқ хўжалик соҳасида мулк муносабатлари ўзгармаётгани, тармоқчи бошқараётган қўпгина раҳбар ва мутахассисларнинг бу масалада чаласаводлиги, олиб борилаётган исллохотларнинг маъно-маъмуриги, мақсадларини билмаслиги ишга катта тўсиқ бўлиб тургани ҳақида очиб айтиб ўтилган эди.

Фермерлик ҳаракатига, унинг кенг қўлдан ривож топишига тўсиқчилик ҳақида, ширкатларни пайчилик асосида ташкил қилишда, ҳақиқий оила пудратини кенг жорий этишда, унинг самарасини оширишда, энг муҳими, деҳқонларда эгаллик ҳиссини тарбиялашда, ўз ишлаб чиқарган маҳсулотига ҳолисона ва адолатли ҳақ олишда йўл қўйилмаётган қарама-қаршилик ва камчиликлар мавжуд экани эътироф этилган эди.

Хурматли депутатлар! Сизларга маълум бўлиши керакки, аввало, Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги ривожини олдида тўсиқ бўлиб турган масалалар бўйича, уларнинг ечимини топиш, беш-ўн йил давомида жорий этишга мўлжалланган дастур ишлаб

чиқиш мақсадида, сайловолди учрашувида келишиб олгани миздек, махсус ҳукумат комиссияси тўзилди.

Бугунги кунда бу комиссия ўз ишини бослади.

Лекин бир нарсани барчамиз яхши олишимиз керак: Хар қандай дастурлар, жуда чуқур ўйланган, ҳар томонлама келишиб олинган, таъминланган дастурларни ишлаб чиқишимиз мумкин.

моҳиятини тўғри тушунамдан, ҳамон боқимандалик кайфиятида иш юритаётганини кўрсатади.

Хозир қишлоқ хўжалигига мутасадди бўлган вилоят раҳбарлари, қоқок туманларнинг ҳокимларидан бу аҳолининг сабабини сўрасангиз, албатта, сўнги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашганини, шўрланиш кучайганлигини, яна ўнлаб баҳоналарни рўқач қилади.

Яна бир бор айтаман: албатта, бу ҳолатларни ҳеч қим инкор этмайди. Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.

Яъни, асосий гап, балки халқ қилувчи жамоқ - ўзимизнинг ишни ташкил қилишимизда, ерда ишлаётган деҳқонга, барча хўжаликларга - у ширкат бўладими, фермер бўладими, деҳқон хўжалиги бўладими, эркинлик берилса, деб кўришимиз даркор. Ер ҳамон ўзининг ҳақиқий эгасини топмаётганида. Бу борада биз барча йўл қўйилган оқсоқликнинг сабабини кидиришимиз керак.

Таассуфки, қишлоқ хўжалигида янгилик киритиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан қўччилик раҳбарлар юзаси, хўжакуринга шугулланмоқда. Сўнги йилларда бу соҳани ривожлантириш мақсадида қабул қилинган бир қатор қонунлар ҳаётга изчил татбиқ этилмапти.

Шуни ҳам очиб тан олишимиз керак: вилоят қишлоқ хўжалигида ислохотлар ўтказишда аввало мамыурий-бўй-руқбозлик, кўп жойларда тепадан туриб қўччилик ҳисобидан ва хўжакуринлик мақсадида олиб боришмоқда. Ҳолбуки, барча иқтисодий ислохотларнинг негизиди аввало одамларни, деҳқонларни рағбатлантириш, моддий қизқитириш, ишга муносабатини ўзгартириш ҳисобидан пировард қўзланган натижаларга эришиш мумкин. Такорор айтишга тўғри келади - бунга аввало, ерга эгаллик ҳиссиётини тарбиялаш билангина эришиш мумкин. Ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари учун кенг йўл очиб берилган тақдирдагина равақ топиш мумкин.

Бу фикр-хўласаларни исбот қилиш учун Сирдарё вилоятининг ўзидан барча мисолларни олиб келиш ўринли, деб биламан.

Бобўт, Гулистон, Сайхунбод туманларидаги ҳар гектар майдондан 35-40 центнердан пахта ҳосили олган фермер хўжалиқларининг эришган натижалари, олган даромадлари, иш суратлари барқарор ўсиб бораётгани ҳақида бу ерда ўтган қўччилик депутатлари яхши хабардор, деб ўйлайман.

Мана, битта мисол: Гулистон туманидаги Абдулазиз Хайдаров бошчилик қилётган «Барлос» фермер хўжалиги ҳар гектар майдондан 37 центнердан пахта, 39 центнердан галла ҳосили олиб, йилли 3 миллион 200 миң сўм фойда билан қунади.

Сирдарё туманидаги «Тинибек бобо» фермер хўжалиги бошлиғи М.Тинибеклов 10 гектар майдонда пахта экиб, 45 центнердан, 8 гектар галла майдонидан эса 42,5 центнердан ҳосил олган.

Бу мисоллар ишонинг кўзини биллиб меҳнат қилган одам оғир тупроқ шароитида ҳам мўл ҳосил ундириб, ўзига ҳам, ўлга юртга ҳам наф келтиришининг тасдиғи эмасми?

Бу муҳим масаланинг яна бир томони борки, у ҳақда ҳам очиб гаплашиб олмасак бўлмайди.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТДАГИ ЯНГИ ҚИРОАТХОНА

Республика чет эл адабиёти кутубхонасида немис тилидаги адабиёт қироатхонаси очилди. Янги қироатхона очилиши маросимида ГФРнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасининг Гёте институтининг ходимлари ҳамда мамлакатимиз жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мен немис қироатхонаси очилиши муносабати билан йиғилганларнинг барчасини қутлайман, деди йиғилганлар хузурида сўзга чиққан Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Андреас Протманн. Мамлакатларимиз қадимдан мустақкам дўстона алоқаларга эга. Ўзбекистон жамоатчилиги, мен бу ўринда асосан мамлакатнинг ёш авлодини назарда тутаяман, бу ерда Германия ҳақида ўзини қизқитирган барча маълумотга эга бўлиши, немис тилини ўрганиш борасидаги изла-нишларини давом эттириши, ўқитувчилар эса талабаларга сабоқ бериш учун бой материал йиғиши мумкин.

Меннинг сиз азияларга қаратиб айтганим тилагим: барчангизнинг ишингиз ўнгидан келсин, куч-қувват, омад сизларга доим ёр бўлсин!

Хурматли дўстлар! Сизлар билан ўтган йилнинг декабр ойида мана шу залда бўлиб ўтган сайловолди учрашувида биз вилоятда



### Касаба уюшма ҳаёти

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг шаклланиши жамиятда кўп қиррали ижтимоий масалаларнинг қайта ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқ кетган. Ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий ва сиёсий тармоқларида меҳнатқашлар манфаатларининг барқарорлашувида ҳам муҳимдир. Ана шу жараёнда жамоа шартномалари муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда химоя воситаларини ишлаб чиқарган касаба уюшмаларининг ўрни алоҳида. Ходимларнинг талабларини ишлаб чиқиш ҳамда асослай олиш, иш берувчи билан саводли даражада мулоқотлар олиб боришда уларнинг ўрни бекиб қолди. Жамоа шартномаларини талаблар даражасида, юқори даражада тузишда тармоқ битимларининг аҳамияти катта. Муҳбиримиз Будар ПУЛАТОВнинг Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Тохир НАЗАРЖОНОВ билан суҳбати шу ҳақда.

иши гуруҳлари ваколатлари белгиланган. Ана шу Низомда тегишли қоидаларнинг ҳаммаси ўз аксини топган. Бу усул ишни пухта ташкил этишда кўл келмоқда. Ана шу Низомда «Умумий қоидалар» ва «Асосий тушунчалар»дан ташқари, «Соҳадаги ижтимоий шерикчилик мақсадлари», «Ижтимоий шерикчиликнинг ҳуқуқий асослари», «Соҳадаги ижтимоий шерикчилик тизимининг асосий вазифалари» каби ундан зиёд бўлими кўриш мумкин. Улар жамоа шартномасини намунали ташкил этиш, меҳнатқашларни иж-

## БИТИМ БИЛИМДОНЛИК БИЛАН ТУЗИЛСА...

— Битим тузиш ишлари қандай кечмоқда?

— Битимлар қанчалик пухта, билимдонлик билан тузилса, шубҳасиз жамоа шартномалари учун шунчалик мустақам замин яратилган бўлади. Бизнинг соҳамизда олтинга йўналиш бўлиб, ҳар бир йўналиш билан ўзига хос битим ишлаб чиқамиз. Чунончи, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, тўртта акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон—Индонезия қўшма корхонаси, охиригисига Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё электр алоқа тармоқлари кирдирилди, улар маълум ўзига хосликка эга.

Ана шу корхоналар маъмуриятлари билан ҳамкорликда битимларни тузиш юзасидан комиссиялар тузиб чиқдик. Ишчи гуруҳларига соҳасини яхши биладиган ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, техника хавфсизлиги ва соҳалар бўйича мутахассисларни жалб этдик. Ҳозирда музокара-лар қизғин давом этмоқда. Уларнинг асосини унумли меҳнат қилиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ва унинг пировард натижасида олинган юқори даромад ҳисобига ижтимоий химояни кучайтириш ётади. Ҳозиргача анчайин

ишлар ниҳоясига етказилди. Феврал ойининг охирида уни қабул қилиш масаласини кўриб чиқамиз.

Битимни уч йилга, яъни 2000-2002 йиллар учун қабул қилиш мўлжалланаяпти. Тўғри, моддий ва сиёсий ҳаётда воқеалар тез ўзгармоқда. Асосий йўналиш қолган ҳолда ҳар йили қайта кўриб чиқилади ва қўшимча ўзгаришлар киритиб борилади.

Бу ерда яна бир масала бор. Ишчи гуруҳлари битим юзасидан ишни тугатди. Ҳужжатнинг ҳаётга қай даражада яқинлигига яна бир бор иқдор бўлиш учун ҳужжатни кўпайтириб, қўйи ташкилотларга тушираемиз. Кўпчиликнинг муносабатини билимиз. Билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ўрганиб, лозимларини киритиб, умумлаштириб, сўнг қабул қилаемиз.

— Битимни ишлаб чиқиш механизми ҳақида нима дея оласиз?

— Бу борада 5-6 йилдан бери иш олиб бораёямиз. Чет эл тажрибаларини ўрганаёямиз. Битимни тузишда кўп муаммолар масалалар пайдо бўлади. Уларни ҳисобга олиб ижтимоий шерикчилик юзасидан Низом ишлаб чиқдик. Унда жамоа шартномасини тузиш бўйича асосий йўналишлар,

тимой-иқтисодий, ҳуқуқий химоялашнинг деярлик барча қирраларини тўла қамраб олиш имконини беради.

— Сиз суҳбатимиз чоғида тармоқ Битимлари қўйи ташкилотларда ҳам қўриб чиқилади дедингиз. Аслида Битим юқорида, яъни касаба уюшма Марказий Қўмитаси ва тармоқ маъмуриятлари ўртасида тузилади-ку?

Тўғри биз, яъни Марказий Қўмита Битимни Агентлик, Акционерлик компанияси, ҳуллас тармоқнинг мутасадди маъмуриятлари билан тузамиз. Лекин савобли ишимизнинг пировард натижаси жамоа шартномасини тузишга бориб тақалади. Битимда тармоқ корхоналари жамоалари учун энг кам миқдордаги кафолатлар белгиланади. Шу сабабдан ишга нукта қўйилмасдан аввал жамоа ҳам танишсин, ўз имкониятидан келиб чиқиб, фикр-мулоҳазаларини билдирсин деймиз. Жамоалар кўриб чиқиб Битим лиҳозасига қўшимчалар тақдир этилади. Бу иш факатгина Битимларнинг янада пухта тузилишига хизмат қўрсади, холос. Жамиятда ижтимоий адолатнинг янада барқарор бўлишига ёрдам беради.



Тошкент — Бухоро трактининг Самарқанд вилояти ҳудудидан ўтувчи қисми 350 километрни ташкил қилади. Ҳозир мазкур тракт атрофида «Самавтойўл» бирлашмаси лойиҳаси асосида туризм, автотехнизама, ёнилғи қўйиш шахобчалари ва мини бозорлар қурилиши жадаллик билан олиб боришмоқда. Қиш фаслида иссиқ, ёзда эса йўловчиларнинг салқинлиб ҳордик чиқариши учун барпо этилаётган биноларнинг элик-таси шу йил «Наврўз» байрами арафасида ишга тушади. Қурилиш ишларини амалга оширишда ҳусусий тадбиркорлар, «Парвина» ва «Умар» банклари, вилоят бозорлар бирлашмаси, вилоят нефт маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси, туман ҳокимликлари бошқоқ бўлишмоқда. 2000 йил охиригача ушбу Тошкент — Бухоро тракти атрофида 800 га яқин турли иншоотлар қурилиши мўлжалланмоқда.

Суратларда: 1. Қурилиш ишлари қизғин кетмоқда. 2. Самарқанд вилояти автоўй бирлашмаси лойиҳачилар гуруҳи раҳбари Асатулло Бекпўлатов ва архитектор Шухрат Бобоев.



Тохир НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Қизилқум кенгликларида жойлашган Томди тумани чорвадорлари қишлоқни беталофат ўтказиш билан бирга, қўзилашти мавсумига ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқда. Айни пайтда йилловларда 204,5 минг бош қорақўл кўй, 6958 бош йилқи, 2821 бош тую боқилмоқда. Туманда

### МАВСУМ АРАФАСИДА

олдинги йилга нисбатан гўшт, жун, қорақўл тери ишлаб чиқариши бир ярим бараварга ошди. Ҳўжалиқларда терини қайта ишлаш ва тикиш цехлари фаолият кўрсата бошлади. Уларда нимча, теллак, қўлқоп ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай цехларнинг ишга тушиши эса чўпон меҳнати қадрини оширмоқда.

Чўпон-чўлиқлар моллар туёқ сонини кўпайтиришга катта аҳамият бермоқда. Бу йилги кўшмада улар ҳар 100 бош қўйдан 105 тадан соғлом қўзи олиш ниятда. Шу боис барча отлардада қўзилашти мавсумига пухта тараддуд кўришмоқда.

## Тахририятга хат ТАНАСИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

Бозор иқтисоди шароити келтириб чиқарётган айрим қийинчиликларни енгиллатиш учун ҳуқуқимиз аҳолини ижтимоий химоялашга алоҳида эътибор бермоқда.

Жорий йилнинг «Соғлом авлод йили» деб белгиланиши ҳам халқ фаровонлиги йўлида қилинаётган улуг ишлар сирасидандир. Энди «Ишончга мактуб йўллагимизга туртки бўлган сабаб ҳусусида тўхталишимизга ижозат берсангиз.

1998 йил касаллик-ка чалиниб, Ангор туман шифохонасига мурожаат қилдим. Улар мени вилоят шифохонасининг урология бўлимига йўллашди. Лекин бу ердагилар оғир операцияни қилолмайми, дейишди. Шундан сўнг, Тошкентдаги ТошМининг урология бўлимида ётиб, қўли енгил шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли дарддан фориг бўлдим. Лекин 120 кун касаллик варақасини олиб, ишлаб чиқаришдан ажралиб қолдим, сентябр ойидан эса II-гуруҳ ногиронлигига чиқдим. Дард хуруж қилавергач, яна уч бор касалхоналарда даво-ланишимга тўғри келди. Утган йил сентябрдан бошлаб эса но-

сарсон-саргардон қилмоқда.

Врачлар қўйган ташхисига қараганда, ўпкада эхнокоп касаллиги бўлиб, у узок йўл юришга имкон бермайди. Қолаверса, Тошкентга бориб-келишнинг ҳам ўзи бўлмас. Қ.Чориев эса бор отанга, бор онанга қабилида иш кўрса, мен дардимни кимга айтай. Тўрт ойдан буён у кишига қатнайвериб, силлам қуриди.

Искандар УМБАРОВ.

ТАХРИРИЯТДАН: Сурхондарё вилоятидаги табиёт ҳодимларининг бу ерда оғир операцияни амалга оширишнинг имкони йўқ, дейишини бир томонлама тушуниш мумкин. Лекин касалликни аниқлаш бора-бора ташхис қўйишнинг имконияти бордир. Ахир, И.Умбаровнинг шу дардга чалинганлигини бу ерда ўтирган мутахассислар яхши билиб, шу боис ҳам Тошкентга йўллаган эди-ку! Бундай сарсон-саргардонликни қандай изохлаш мумкин. Ўйлаймики, вилоятдаги тегишли мутасаддилар ва мутахассислар И.Умбаровнинг ногиронлик нафақасига чиқиши лозимми, йўқми, бир тўхтамага келишар, инсон тақдирига масъулият билан ёндошишар... Тахририят эса бу мавзуга яна қайтади.

### КОЛЛЕЖНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Узун туманидаги агро-бизнес коллежининг фермер ҳўжалиқлари ишини ташкил этиш бўлимини 29 нафар йигит муваффақиятли битириб, ҳаётга йўлланма олди.

Авалги қишлоқ ҳўжалиги техникуми базисида ташкил этилган мазкур коллежда 530 нафар йигит-қиз билим олмақда. Агроном, техник-механик, ташкилотчи технолог, бухгалтерия ҳисоб-китоби каби мутахассисликларни эгалламоқчи бўлган ёшларнинг пухта билим олишлари учун коллежда мустақам ўқув базиси мавжуд.

### ЧўЛҚУВАРЛАРГА ТУҲФА

Қорақалпоғистондаги йирик Ёнбошқалъа мавзесидаги юз минг гектарга яқин майдонни эгаллаган ерларни ўзлаштириш изчил давом этмоқда.

Наврўз байрами арафасида мавзе марказидаги К.Нурумбетов номидаги ширкат ҳўжалигида гузар қурилиши пўбнига етиб, чўлқуварлар учун муносиб туҳфа тайёрланди. Бунёд этилган мўъжазгина нурунийлар чўйхонаси, ёшлар қаҳвахонаси дастлабки кунданок мижозлар билан гавжум бўлди. «Тадбиркор-банк» филиали учун маҳсус иморат қуриб берилгани эса марказдан анча олдиданги ишбилармон ва тадбиркорлар учун қулайлик туғдирди. Тикув-бичув кичик корхонаси, маиший хизмат уйи, болалар боғчаси эса қўшимча ўйналаш ўринлари яратиш имконини берди. Гузарни қисқа муддатда сифатли қуриб битказган «Ёнбошқалъа» бошқармаси бунёдкорлари мажмуада чўлқуварлар учун хийбон ҳам барпо қилдилар.

## ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР КУЧАЙДИ

— Оҳангарон тумани «Оҳангарон» ширкат ҳўжалиги ўтган йилни 17 миллион сўм соф фойда билан яқунлади. Бу 1998 йилдагидан 7 миллион сўм кўп демакдир. Ишдаги бу ижобий ўзгаришни ширкат ҳўжалигининг афзаллигида, манфаатдорликнинг органилигида деб ўйлайман, — деди ҳўжалик раиси Шунқор Умрзоқов Тошкент вилоятининг туман ҳокимлари, бошқарма бошлиқлари, иқтисодий тегишли, корхона раҳбарлари, тадбиркорлар иштирокида ўтган йилнинг давомида сўзга чиқиб.

— Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун олдидан бериладиган пул маблағлари — траншлар ҳўжалик иштирокига берилиши керак. Шу масала ижобий ҳал этилса, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларнинг бири олиб ташланган бўлур эди.

### Инсон боласи ақлини танибдики, отга ўзгача меҳр билан қарайди. Туронзамин халқлари эса миллатдан аввалги бир неча асрлар илгари ҳам от урчатиш билан шуғулланган. Бу йилкилар минтақадан анча олин-олинларда ҳам машур бўлиб, катта маблағлар эвазига харид қилинган. Бундай айқин ҳасилдор отлар тўғрисидаги маълумотлар Искандар Зулқарнайф, Геродот, Страбон солномаларида ҳам тез-тез учрайди. Минг йиллар олдин яратилган «Манас», «Алпомиш», «Гўрғули» достонларида тўғрисида ўт чақанга тулпорларни сасдоқат қилиш, инсоннинг энг яқин дўсти, йиситининг учқур қаноти сифатида алоҳида таърифланган.

Йилқичиликнинг парҳез гўшти, минг дардга даво қилишини айтмаймики! Шу боис ҳам оғир об-ҳаволи, саноат ишлаб чиқарган чанг-тўзон тўтунлардан ўпка касалига чалинган беморлар йилқичи чорвадорлар қошига ошиққан. Қимиз, шубат ичиб, бир-икки ойдаёқ дарддан фориг бўлиб қайтишган.

Бундан ўн-ўн беш йиллар муқаддам йилқичилик соҳаси мамлакатимизда, ҳусусан Қорақалпоғистон республикасида ривожланди. Йилқичиликда асосан насилчилик, улвога ва салт минишга мўлжалланган ҳамда маҳсулдорлиқни ошириш бўйича иш олиб борилади. Бошқача айтганда фақат Қорақалпоғистон республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги таркибидаги

ҳўжалиқларда ўн минг бошга яқин зотли, маҳсулдор отлар боқилди. Уларнинг ярмига яқини Мўйноқ туманидаги «Оқдарё» ҳўжалиги ҳисобига эди. Ҳақиқатан «Оқдарё»да 916 бош буюлар бўлгани ҳам кўп нарсдан гувоҳлик беради. Демак бир ҳўжаликнинг ўзида камида 3 минг бош йилқилар парвариш қилинган. Уларнинг қолган қисми Тўртқўл туманидаги «Қизилқум», Беруний туманидаги «Қизилқалъа», Эликқалъа туманидаги «Бухон-Мерей» ширкат ҳўжалиқларида парвариш қилинади.

1987 йили Қорақалпоғистон республикасининг шимолӣ ҳудудидagi туманларда боқилаётган отлар бир жойга тўпланиб, «Оқдарё» йилқичилиги иختисослаштирилган ҳўжалиги ташкил этилди. Бу ерда

### Муаммо кўндаланг қўйилади

қимиз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шифобахш ичимлик ишлашга қўйилиб, шифохоналарга, санаторийларга етказиб берилди. Нукус шаҳри савдо нуқталарида эркин сотилди. Бундан ташқари 80-йиллар ўрталарида Эликқалъа туманида «Аёзқалъа» туючилик давлат ҳўжалиги тузилиб, шубат ичимлиги саноат асосида ўзлаштирилди. Аммо бахтга қарши бу савобли иш йўрғаклигидаёқ «жон берган» эди. Қи-

экология институти илимий ҳодими Ўрозбой Наврўзбоев, Эликқалъалик мутахассис Тўхтабўй Қурбонов ва бошқаларнинг ҳулосаларига кўра йилқичилик соҳаси бениҳоя камчиқим ҳисобланади. Масалан, йилқи чидамли, ҳашак танлаб ўтирмайди. Бияқнига 15 литрча сут беради. Янги туғилган тойчоқ эса 10-15 минут 30-50 минут оралиғида онасини эмади. 3 соатдан сўнг бемалол чопқ-

тиб ўтиш жоизки, бияни бир неча ой узлуқсиз соғиш учун унга тўйимли озуқа бериш зарур. Орол денгизи қурий бошлаши сабабли юз берган экологик офат натижасида серҳосил яйловлар қисқарди. Устурот саҳроси, Қизилқумда бот-бот юз бераётган қурғоқчилик ўта-чўлларнинг кескин камийишига олиб келди. Оқибатда сўнгги ўн йилда қорамоллар ва қўй-эчкилар бош сони 2,5 баробарга камайди. Аммо Оролбўйида ўтлоқлар-

## OLAMDA NIMA GAP

МАДРИД. Испания кироллиги Хуан Карлос Биринчининг АКШга уч кунлик расмий ташрифи бошланди. У АКШ раҳбарияти билан учрашувлар ўтказди. Учрашувларда Испания билан АКШ ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга қаратилган масалалар юзасидан фикр алмашилади. Шунингдек, ташриф чоғида икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга қаратилган бир неча ҳужжат имзоланиши кўтилмоқда.

ВИЛНЮС. Македония президенти Борис Трайковский икки кунлик расмий ташриф билан Литвага келди. У ташриф чоғида Литва президенти В.Адамкус ва бошқа расмий кишилар билан учрашувлар ўтказди. Учрашувларда Литва ва Македония ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, Европа Иттифоқи ва НАТО кенгаши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилади.

ИСЛОМОБОД. Расмий Исломобод Чеченистоннинг Покистондаги эмиссари Зелмихон Яндарбиевга мамлакатдан чиқиб кетишни таклиф қилди. Хабарларга кўра, 3.Яндарбиев тез орада ўз оиласи истиқомат қилаётган Дубай шаҳрига йўл олади. Бу ердан у Афғонистон ёки бошқа араб мамлакатларига кўчи ўтишни ният қилган.

СИНГАПУР. Бу ерда Осбнинг ўнинчи авиасалони очилди. У бир ҳафта давом этади. Авиасалонда 30 дан зиёд мамлакатнинг 950 та компанияси иштирок этмоқда. Тадбир давомида соҳа мутахассисларининг анжумани ҳам бўлиб ўтади. Осб авиасалони 1981 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказилиб келинаётган. (ЎЗА)

## ШИФОБАХШ ҚИМИЗ

ишлаб чиқариш нега тўхтади?

миз ишлаб чиқариш ҳам худди шубат тайёрлаш сингари таққа-тақ тўхтади. Дардига қимиз шифо бўлаётган беморлар бу ичимликни ишлаб Мўйноқ шаҳрига, ҳатто «Оқдарё» ҳўжалигига ҳам боришга мажбур бўлишди.

Йилқичилик эса йил сайин таназзулга юз тута бошлади. Шу кунгача уларнинг бош сони икки мартага камайди.

— Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг био-

ишлаб югуради. Онаси-га эргашиб 7 километргача йўл босиши мумкин. Энг муҳими, 100 бош байталлардан 90 бошга яқин тойчоқ олиш мумкин.

Ҳўш, шундай экан, нима учун гўшт етиштиришда муҳим ўрин тутадиган йилқичиликда қоқоқликка юз тугилаяпти. Ва нега қимиз тайёрловчи маҳсус ҳўжалик тугатилиб, шифобахш ичимлик ишлаб чиқариш бутунлай барҳам топди. Бу ерда шуни ҳам ай-

нинг ҳали ҳам беҳисоб-лигига одилона баҳо берилмаган бўлса, чорвачиликни, айниқса йилқичиликни ривожлантиришга бўлади. Фақат насилчиликка эътибор берилиб, мутахассислар масъулиятини оширилса, бас.

Отларнинг бош сони кўпайса, эчкиларни гўшга сўйиб юбориш 10 баробар камайиб, қоракўччиликдаги судралишга барҳам беришда муҳим кадам қўйилган бўлар эди. Чунки парҳез гўшт етиштиришда йил-

Олим сайис, Мақсет чавандоз сингари юзлаб ворислари Бойчибор, Қорабайир, Ахалтака, Ёвмут, Арабий насилли учқур отларни меҳр билан парвариш қилишаёттир. Улар тулпорларнинг насилни яхшилаш устида ҳам изчил иш олиб боришаёттир. Шу боис чавандозларнинг учқур отлари пойма ва кўпкарилларда голиб чиқиб, томошбинлар қалбларини олам-олам қувончга тўлдирмоқдалар. Масалан, Кегейли тумани-

дан Мақсет чавандознинг тулпор оти ўтган йили Туркманистоннинг Мари шаҳрида, Нукусе отчопарида бўлиб ўтган пойгада голиб чиқди. Шу ерда Нукусе отчопаридаги муаммо тўғрисида ҳам гапириб ўтиш жоиз. Чунки бу отчопар негандир бундан 6-7 йиллар олдин Хўжайли туманидаги «Озодлик» корпорацияси ҳисобига ўтказиб юборилди. Натижада 9 бош насилдор чавандоз отлар маромига етказиб парвариш қилинмади. От спорти ривожланиши учун асосий марказ ўрнини эгаллайдиган отчопар эса ҳали ҳам қаровсиз ҳолда. Йилда бир-икки марта тадбирлар ўтказилишини ҳисобга олмасак, фаолиятини тўхтайтиб қўйди. Қорақалпоғистон республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг эса отчопарнинг қайта тиклаш, учун насилдор отлар сотиб олишга етарли маблағи йўқ. Агар шу муаммо ҳал қилинса, мамлакатимиз ҳатто жаҳон миқёсидаги тадбирларда дадил қатнашадиган спортчиларни етиштириш имкони тугиларди. Абду РАХМОН, «Ишонч» муҳбири.

# ГУЛНИНГ МУАТТАРИ ЭРТА СЎЛДИ

## Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охуновани эслаб

**Инсоният қалбининг меҳварига айланган куй ва кўшиқ ҳақида ўйларқанман, хотирамда беҳ-тиёр бир ривоят жонланди. Унда айтилишича, жон тарк этган жасад ерпарчин бўлиб ётаркан. Шунда ғойибдан бир нидо келибди ва жонга амр этибди: «Танага қайтиб кир». Аммо жоннинг ўзи тарк этган жасадга қайтиси келмабди. Иккинчи ва учинчи бора амр этилса-да, жонга заррача таъсир қилмабди. Шу пайт соҳир создан сеҳрли куй таралибди. Куйнинг жозибаси шунчалик сеҳрли эканки, жон унинг оҳангига мос ҳаракат қилиб, танага қайтибди. Олдин бармоқ ва кўлар, кейин эса бутун вужуд ҳаракатга келиб, инсон оёққа қалкибди. У ўрнидан турганда боши булдулардан ҳам баландда, кўли билан бемалол ой гардишини арта олarkan. Бунни қарангки, куйнинг қудрати билан инсон юлдузлар даражасига кўтарилди.**

бошлаб келдик. Ҳабиба биринчи кунларданок бутун борлиги билан ишга шунғиди. Сал ўтмай, ёш бўлишига қарамасдан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мукаррама Азизова тоифасидаги санъаткор эканлигини кўрсатди. Эсингизда бўлса, «Алла» ашуласини Мукаррамаҳоним қанчалик маромига етказиб ижро этган бўлмасин, Ҳабиба унга яна бир поғона жозоба бахш этди, авж нуктага кўтарди. Гарчи уша кезларда киз ҳали бирон ўқув юртини

Театрда бўлганимизда Ҳабибаҳоним Охунова билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлган, сахнада биргаликда рол ижро этган кўплар билан мулоқотда бўлдик. Ҳабибаҳоним ҳақидаги хотираларни тингладик. Айниқса Ўзбекистон халқ артисти, таниқли хонанда, ўз ахлоқ-одоби, инсонийлик фазилатлари билан Наманганда катта обрў-этибор қозонган Камолиддин Раҳимовнинг айтганлари алоҳида таассурот қолдирди.



Тугатмаган бўлса-да, тугма санъаткор эканлигини намойиш қилди.

Бу ривоят ҳам, ундаги куй сеҳри ҳақидаги сўзлар ҳам наманганликларнинг қон-қонига сингиб кетган. Шундан бўлса керакки, Намангандан кўплаб соҳир соз ва овоз соҳиблари, ширин нафас сўз усталари етишиб чиққан. Дилрабо куй ва дилтортар кўшиқлар, тагдор пайровлару сермаъно аскияларуларнинг нафақат давраларини, балки кўнгил уларини ҳам беэзаб келган.

турган бир мўсафид афсус ила бош чайқади. —Дунёи бевафо деб шунга айтсалар керак-да... Шундай соҳир овоз эгаси ҳам ўтиб кетди-я. Афсус, агар ҳаёт бўлганида яна қанчадан-қанча кўшиқлари билан дилларимизни қувонтирган бўларди...

Мана бугун ҳам одатдагидек, Намангандаги Бобур номли истироҳат боғининг «Беҳчинор» чойхонаси одамлар билан гавжум. Бир ёнда ёшларанг, бир ёнда кексалар — ҳар ким ўз тенгдошлари билан давра курган. Шу пайт ногаҳон радиоканрайдан «Алла» ашуласи таралади.

Хотиранинг надомат тўла сўзларида жон бор. Ўзбек кўшиқчилиги тарихида шундай санъаткорлар яшаб ўтишдики, ижро этган ғўшларини мана неча ўн йилдири, уларнинг умрини давом эттиряпти. Ана шундай хайратингиз кўшиқчилардан бири Наманган театрининг булбули Ҳабибаҳоним Охунова эди.

Ҳабибаҳонимнинг маънавий қадрияти билан бирга, унинг санъаткорларнинг гувоҳлик беришлари, унинг овозига илк бор қулоқ тутганлар мактабдошлари бўлган. Олтинчи синф ўқувчисининг кўшиқлари олқишларга бурқиб турган. Қизчанинг ҳаваскорлик чқишларидан бирида «Шахлоларинг» ни маҳорат билан ижро қилиши санъат гунаҳларини излаб шу залда ўтчиларни таниқли бастакор Фуломжон Рўзиевнинг диққатини тортди. Ҳабиба устоз кўрди. Истеъдоди тобора куртак ёзаётган киз учун тўғараклар торлик қилиб қолди. Нои Андижон вилоятига ёйилди. Сал мудат вилоят театрида ишлади. Сўнгра Наманган театри жамоаси сафига қўшилди. Қарабиски, кечаги ҳаваскор кўшиқчини Кумуш («Зарафшон кизи»), Каромат («Ташболта ошиқ»), Офелия («Гамлет»), Зуҳра («Тоҳир ва Зуҳра»), Зулайхо («Юсуф ва Зулайхо»), Лай-

ли («Лайли ва Мажнун»), Нурхон («Нурхон»), Амалия («Қароқчилар») каби ўнлаб образлар киёфасида кўришди. У кўшиқ орқали севгисига садоқатли маъшуқа образларини қойиллаб ижро эта билди. Қарамоннинг муҳаббатини кўшиқларда мадҳ эта олди. Энг муҳими, катта даргоҳ, катта жамоада истеъдоднинг кирралари ёрқинлаша борди. Уша замоннинг етакчи санъаткорларидан халқ артисти Аббос Бакиров, Ўзбекистон халқ артисти Раҳимжон ва Муҳиддин Мансуровларнинг ибратли маслаҳатларидан баҳраманд бўлди. Тинимсиз ўрганди, изланди, ўқиша кириб уни муваффақиятли битирди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, театр бош режиссёри Каримжон Йўлдошев билан Ҳабибаҳоним Охунова ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Каримжон Ҳабибаҳоним билан боғлиқ қизиқ-қизик воқеаларни сўзлаб бераркан, гап орасида шундай деб қолди:

— Ҳабибаҳоним фақат ишинигина ўйлар, ўзига топширилган роллар дунёси билан яшарди. Айрим кишилар сингари раҳбарларга яхши кўришни учун уринмас, ялтоқлик қилишни билмасди. — У шундай деркан тўсатдан бир дақиқа жим қолди-да, кўлиб туриб қўшиб қўйди. — Ишонасизми, унга халқ артисти унвони берилиши ҳам тўсатдан юз берган. Кечкурун радио-телевидение орқали фармон эълон қилинди. Жамоамиз беҳад хурсанд. Эрталаб вақт чошлогдан ошганда, хонам эғши шартта очилди-да, чехрасида ҳеч қандай кўрсак аломати кўринмаган Ҳабибаҳоним шахдам қадамлар билан кириб келди. Мен хайрон бўлганимча, чиқиб турибман.

— Нега мени оғохлан-тирмадингизлар? Нима учун ўзимга сездирмадингиз? — У шундай дедию, столга ўтириб негадир юм-юм йиғлади. Ушанда унинг кўз ёшини қувонч кўз ёшлари деб баҳолагандим. Тагин билмадим...

Маҳматқул Жонимов Китоб туманидаги Улугбек номли ширкат ҳўжалигида яшайди. Касби оддий-меҳнати олий бу инсоннинг кўлида сайқал толган бино устунлари, ёғоч ўймакорлиги кишиларни мафтун этмоқда. Китоб шахридаги кўпгина замонавий бинолардаги безакларни уста Маҳматқул бажарган. Унинг ажайиб санъатини ўрганишга бел боғлаган ёшлар кўпайиб бораёпти.

Суратда: уста Маҳматқул Жонимов.

Шавкат СУЛТОН олган сурат.



# САМАРАЛИ МУОЛАЖАЛАР

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иммунология илмий тадқиқот институтида 2000 йилда қатор йирик изланишлар олиб борилди. Илмий даргоҳнинг барча лабораторияларида амалга оширилаётган тиббий тадбирларнинг аксарияти соғлом авлод йили билан боғлиқ долзарб муолажаларга қаратилди. Институтда Ўзбекистоннинг турли минтақасида яшовчи аҳоли соғлиғига доир ҳарита ҳам тайёрланди. Иммунология-

нинг бод, сурункали нафас сиқилиши, даволашга қаратилган янги муолажавий усул ва чизмалар ҳам юзага келди. ЮНЕСКО ташкилотининг «Инсон ва биосфера» халқаро дастури доирасида олиб борилётган тадқиқотлар ҳам бирин-кетин ўз ижобий натижасини бермоқда. Ана шу мажмуавий изланишларни 2000-2004 йиллар давомида тугаллаш кўзда тутилди.

А.АЛИЕВ.

# ХОТИРА ТУРНИРИ

Фарғонада оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Виктор Мосибит хотирасига бағишланган халқаро турнир ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистондан етмишдан ортиқ спортчи иштирок этди.

Кизгин ўтган беллашувларда ўз вазн тоифаси бўйича андижонлик М.Идрисов ва О.Шоҳимардонов, кирғизистонлик М.Мамадалиев, Ў.Икромов, фарғоналик Б.Тошпўлатов, қўқонлик О.Ҳайдаров, Р.Урмоновнинг кўли баланд келди.

Кизлар баҳсида фарғоналик С.Пирматов, А.Саидова ҳамда андижонлик А.Николаева ўз вазн тоифаларида кучли эканликларини амалда намойиш этди. Фахрийлар ўртасидаги баҳсда тошкентлик Г.Овеков, чирчиклик А.Дилмуродов, андижонлик Х.Қодиров ва наманганлик М.Шойбеков ғолиблик шохсупасига кўтарилди.

# ЯНГИ НАВРЎ ТОМОШАГОҲИ

**Яратилмоқда. Каерда дейсизми? Ўзбекистон Миллий боғида. Ҳазрат Навоийнинг табарруқ ёдгорлиги қошида. Мустақиллик йилларида бу катта байрамнинг асосий тантаналарини ўтказиш анъанасига айланган жойда.**

Янги байрам сахнасига аввалгидай тўртбурчак эмас, балки диаметри 18 метрлик доира шакли берилди. Бу сахна маҳорати деярли икки баравар катталашганини билдиради. Айни чоғда сахнадан томоша ўриндиқларигача бўлган оралик ҳам кенгайди. Шунингдек, сахнанинг шимол тарафида 1200 кишига мўлжалланган зинаполия томоша ўриндиқлари ўрнатилмоқда. Энг тепа қаторнинг баландлиги 4 метр. Ундан ҳам юқорида — 6-8 метр баландликда эса узун режиссёрлик йўлагини барпо этилади. Бу эса байрам шодивоналарини тўғридан-тўғри эфирга узатиш, бутун мамлакатга қувонч улаштиришда катта қўлайлик тугдиради.

Янги Наврўз томошагоҳида «Туронмарказқурилиши» хиссасдорлик жамияти курувчилари астойдил тер тўкиб меҳнат қилишмоқда. Иш икки сменда ташкил этилган. — Наврўз — минг йиллардан буюн ардоқлаб келинаётган байрам. Унга сўра кўра ётаннимиздан шодимиз, - дейди гишт терувчи Абдуғафур Қамбаров. - Пайвандлаш ишларини асосан «Пулатмонтаж» корхонаси усталари бажаришмоқда. «Қурилишмеханизация» қурилиш бошқармаси ишшоотни техника воситалари билан таъминлаган бўлса, Чилонзор туманидаги 6-автобаза хайдовчилари қурилишга керакли ашёларни ўз вақтида етказиб туришибди.

Наврўз байрамини ўтказиш шаҳар қўмитаси тантаналарнинг бадий қисминини ҳам пухта ташкил этмоқда, - деди шаҳар маданият бошқармаси раҳбари Рустам Ҳамидов. «Туркистон» саройида байрамга аталган янги кўшиқларнинг икки босқичдаги саралаш кўзда тутилган. Вилоятлардан фолклор-этнографик ансамбллари ҳам келиб, тайёргарликни бошлаб юборишди. Байрам кўнлари пойтахтнингнинг ўндан зиёд катта майдонларида театрлаштирилган томошалар уюштирилди. «Туркистон-пресс»

### «ОЛОЙ УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» очиқ турдаги хиссасдорлик жамияти акционерлари диққатига!

2000йил 27 март соат 11-00 да Юнусобод тумани ҳокимлигининг мажлислар залида «Олой универсал бозори» очиқ турдаги хиссасдорлик жамияти акционерларининг умумий мажлиси ўтказилади.

**кун тартиби:**

1. Жамиятнинг 1999 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳисоботини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 1999 йилда бўлган молия ва ҳўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик ҳулосаси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш. Жамият аудиторини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 1999 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи бўйича даромадларини тақсимлаш ва дивидентлар миқдори ва уни бериш тартибини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2000 йилга мўлжалланган даромадлар ва ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг қузатув кенгаши, тафтиш комиссиясида бўш қолган ўринларга янги аъзоларни сайлаш.

Акционерларни рўйхатга олиш 27 март куни соат 10-30 да Юнусобод тумани ҳокимлигининг мажлислар залида бошланади.

Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акционерлар рўйхати акционерлар реестрининг 2000 йил 27 феврал ҳолатига тузилади.

**Рўйхатга олиш манзилгоҳи:**  
Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 72 уй.  
Мажлисга тайёрланган ҳужжатлар билан жамият бошқаруви идорасида 2000 йил 27 февралдан бошлаб танишиш мумкин.

Номи қийин бир идоранинг бошлиғи кабинетга шахматчиларни йиғди. Кўши муассаса билан бўладиган учрашув куни яқинлашиб қолган эди-да!

— Ҳўш, қандай ўйнаймиз? - жиддий қиёфада сўради бошлиқ.

Гапиргандан гапирмаган яхшироқ дегандек, ҳеч ким чурк этмасди. Раҳбарнинг дилида: ёшлиқнинг охири, қариликнинг боши деб жамоага кириб ўйнаш ёки ўз обрўсини тўкмай қўя қолишдек икки хил фикр жўш уради. Чунки шахматни тасодифлардан ҳоли деб бўлмайди. Агар жамоа сардори астагина олдига келса-ю, жамоа номидан илтимос қилса бошқа гап эди... Сардор бўлса безрайиб турарди: Бошлиқнинг анқовлик бобиди тенги йўқ эканлигини у яхши биларди-да.

— Ҳўш, - деди бошлиқ, - бўлмаса шахматнинг моҳияти ва айниқса, идоранинг ишларида аҳамияти ҳақида икки оғиз сўз. Бугунги кунда шахмат фронтидаги ғалаба ҳар қачонгидан кўра ҳам муҳимроқдир. У идорамизнинг мустакил маъмурий ташкилот сифатида иш кўраётгани мақсадга мувофиқ эмас, деган бемаза гапларга кескин зарба беради. Энг муҳими шуки, жамма анқовликка барҳам бериши, сипоху пиёдаларидан бохабар бўлиб туриши керак. Бу гаплар сизга ҳам тааллуқли, - деди бошлиқ жамоа сардорига совуқкина қараш қилиб.

Масаланинг бу томондан кўнгли тинчиган раҳбар тобора яқинлашиб келётган матчинг стратегик муаммоларига ўтди.


— Футболчиларимиз

Мексикада бошдан кечирган аянчли воқеаларни назардан қочирмаслик лозим, - деб оғохлантирди у, - худди киневликлардек ўйнаш керак. Майдон ўзимники-ку деб катта кенмаслик, акка-дукка холда олға интилмаслик даркор. Имконият тугилди, дегунча, ҳар қандай вазиятдан туриб бўлса ҳамки, рақиб шохи нишонга олсин. Бор кучни тўплаб, ҳамжihatликда ҳужумга ўтилсин. Ҳимояда ҳам худди шундай. Хуллас, ўн олти донга шуни айтиш керакки, бу кейинчалик амалга ошади қочирмаслик лозим. Ҳозирги кунда от отличича турибди: унга филнинг ишини оқлаб бўлмади. Булажак матчда ўйинчиларнинг техник жиҳатдан тайёргарлиги катта аҳамият касб этади. «Ур-у, ҳуфтакни ростла!» шiori бизга тўғри келмайди. Оёғи қуйган товўқдек ўзини ҳар қаттака урадиган, аммо қўлидан бирор иш келмайдиган фарзидан нима фойда? Қадди-қоматини келтириб миз. Лекин, баъзи бир резервлар ҳам йўқ эмас. Учрашувга қаттиқ тайёрланишлари учун команданинг барча аъзолари уч кунга ишдан озод этилади. Қани энди, бораверинглар, кўнгил ёзинглар, хордик чиқаринглар... Энг муҳими, бўлажак матчни унутинглар. Сўнги психологик тадқиқотларга қараганда, мусобақаларга тайёрланишнинг энг яхши йўли шу!

Бошлиқ матчга келмади: банд эди-да!

Идора шахматчилари 8-2 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Эртасига бошлиқнинг кабинетини байрам тусини олди. Илгари тайинлаб қўйилган ишлаб чиқариш кенгашини қолдиришга тўғри келди. Унинг ўрнига шахмат жамоасининг мажлиси бўлди. Бошлиқ нутқ сўзлади:

— Тўғри, йўл-йўриқ муваффақият гарови, деб шунга айтадлар-да, - деди у хурсанд бўлиб. - Улигини ташлаб ўйнаганидан ҳамма ҳам роса чарчади, албатта. Баъзи ўйинлар икки-уч соатлаб чўзилди-я! Бу ахир, ҳазил гапми! Идора ўз қаҳрамонларини сира ёддан чиқармайди. Узини кўрсатганларга санаторий йўлланмаси сотиб олиш учун маблағ топишга ҳаракат қилаялмиз. Ҳа, бироз шифо топсинлар, янги учрашувларга куч тўплаб олсинлар. Энг муҳими, янги техникадан, чунинчи телевидениедан фойдаланмоғимиз лозим. Масалан, мен кечаги матчни кўриб ўтириб, ажайиб, бир янгилик тайёрлаб қўйдим. Ҳа, футбол матчини кўриб ўтириб-да, албатта...



Мароқли машқлар. Иккаласида ҳам оқлар бошлаб уч юришда мот қилади.

# ISHONCH

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир**  
Мирғиёс ҚАЮМОВ  
**Таҳрир хайъати:**  
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсуслими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақфаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 22.00